



ЎЗБЕКИСТОН ССР марказий статистика бошқармасига муаммал электрон-хисоблаш машиналари келтирилмоқда. Яқинда «Минск-22» электрон-хисоблаш машинаси ўрнатилди. Шу муносабат билан масалаларни ечиш, статистик ва оптимал планлаштириш дориси кенгайди. Суратда: (чапдан ўнгга) инженер М. Шокирова ва бўлим бошлиғи Е. Раньков ўрмонлар янги машиналарнинг ишлашини кузатишмоқда.

АКА-УКАЛАР

Поезд Бекободга яқинлашган сари Маҳкамжоннинг юрак уриши тезлашиб, аллақандай сеҳрли ҳис-ҳаяжон борлигини қўшаётган эди.

Яна йигирма-ўттиз минутлардан кейин у навқирон шаҳар бағрида бўлди. Ўртоғи айтган цемент заводи дарвозасидан қадам қўйди. Одамлардан суринишди. Лекин акасини топа олармикини? Уша ҳарбий хизматда юрган чоғларидан ўртоғи айтган киши чиндан ҳам унинг акасиникини? Бутунлай нотаниш бўлиб чиқса-я? Йўқ-йўқ... Исми ҳам уша, фамилияси ҳам... Мана шу ҳайвон Маҳкамжоннинг кўнглига тинчлик бермасди...

1945 йил. Маҳкамжоннинг онаси дунёдан кўз юмди. Наҳарча, турмуш экан, орадан кўп ўтмай отаси уйлардан. Уша кезларда Маҳкамжоннинг акаси Усмон эгинида йигирма, ўзи бўлса етти ешда эди.

Куяларнинг бирини Усмон ўғай онаси билан отасининг ёлғиз пичирлаётганини эшитиб қолди.

— Катта ўғлингиз ақлини топиб қолди. Агар мени десангиз, энди биз билан турмасин. Ота жим, боши қуйи солинган эди. Усмон бу гапни эшитгандагина ҳеч кимга сездирилмади, энди бу ўйга сизмас эканманда деди-да, хонадондан ранжиб чиқиб кетди...

Орадан йиллар ўтди. Маҳкамжон акасини соғинар, уни кўргиси келар, лекин ҳаётини, йўқини, буни билмасди. Мана, няхот ҳарбий хизматдаги достуни унинг қалбига умид учун, ларини пайлаб қилди. Оқ йўл тилаб, Бекободга кузатди.

Маҳкамжон поезддан тушди. Рўпарасида цемент заводи баҳайбат трубалярини кўкка бўй чўзиб турарди. Аллақандай куч уни ўша даргоҳга етаклади. Мана, надолар бўлими бошлиғи ҳузурида ўтирибди.

— Шундай дег, — деди нҳот бошлиқ, — бизда шундай одам бор, ақолиб йигит. Хам-матим хурмат қиламиз. Меҳнатим, тажрибали машиначчи, — бошлиқ сўзлар экан, Усмон Ўзбекистон шахсий парасини синчилаб кўздан кечирибди. Бирданга унинг юзига табассум ёйилди. Кўзлари чакнаб кетди.

— Мана, мана, — деди нҳот, — худди сиз айтгандек Намангандан. Уша сиз айтган кўнглидан. Фактларнинг ҳам-масини ақалингиз эътиборингизга кўрсатиб турибди. Хозир одам кўзиб берамиз. Сизни унинг ёнига элтиб, сўзгучисини ҳам олади.

У кимидир фамилиясини айтиб чиқарибди-да, тайинлади: — Усмонлар маҳаллада чойхона қўриқчилари. Солдатни унинг олдида бошлаб бора-сангиз...

Дарҳақиқат, маҳаллада иш қилган эди. Қариялар ҳам шу ерда, ёш-яшлаган ҳам. Биров гишт тоғилар, кимдир цемент қоралти, ёғоч рандаларти, кимдир эшик соғаларти, кимдир ҳашарчиларга овқат пичирларти...

— Ҳашар, — деди Маҳкамжоннинг ҳамроҳи, — Усмон ақалингиз табассуми билан бўлади. Депутат деган мана шундай бўлади. Халқнинг янақасини баҳамондасига тиниб-тинчимайди. Юрагига ўти бор.

Бу гаплар Маҳкамжоннинг кўнглига кирмасди. У ана шу юрагига ўти бор одамни, акасини тезроқ кўришни истади. Орадан бир неча дақиқа ўтмасдан Усмон билан Маҳкамжон бир-бирларига рўбарў бўлишди. Жуфт кўзлар бир-бирига тўқнашди. Маҳкамжон бутун вужуди билан унга боқарди. Усмон бўлса савол назари билан солдатнинг бошидан-оёғига рағим қоларди. Ахир, орадан ўн етти йил ўтиб кетди. Маҳкамжон ёш бола эди ушан-



Суратда Усмонжон ЖўРАЕВ.

да. Энди йигит бўлди. Усмон қаердан ҳам уни танисини!

Маҳкамжоннинг бошлаб келган киши хотиржамлик билан Маҳкамжоннинг йўлданги ҳикоясини бошдан-охиргача айтиб берди. Ака-уканинг шу пайтдаги ҳолатини бир кўз олдинга келтириб қўриқ-а!

Хар иккаласининг кўндалда ёш йилларида. Хар иккаласи ҳам беихтиёр қаддини ростлади. Меҳр-муҳаббат билан тўлган кучоқлар кент очилди.

— Укам, укамжоним, соғ-омон бормисан?

— Акажон, сизни ҳам кўрар кун бор экан-ку, — Маҳкамжон акасининг кўнгалга бош қўйди...

Мана, ака-ука кечки дастурхон устида қақчақлашиб ўтиришди. Усмоннинг хотини, болалари меҳмон устида пар-

ЛАВҲА

она. Маҳкамжон армияда бирга хизмат қилган бекободлик дўстидан эшитганларини ҳаёжон билан таққорлар, акаси Усмон эса Бекободга келган ўша кезларда бошдан ўтказган оғир кунларини хотирлар, укасига бирма-бир ҳикоя қилар эди.

— Ҳа, гап ана шунча, ука. Бу ерга бир ўзим амак. Ўйиб киши келганди. Тўғри, ўша кезларда ҳозирдаги тайёр ош-у, пар ёсирлар йўқ эди. Ишмиз ҳам, турмушимиз ҳам анча оғир бўларди. Меҳнат қилиб золиқ кўрмадим.

Усмонжон ҳаёт йўлини шу ердан бошлаб, йилгилмаган эди. У завод кучоғида, ёру дастлар бағрида ўсиб улгайди. Меҳнат қилди, бахт топди.

— Ука, — деди нҳот Усмон, — энди нима қилмоқчи-сан? Наманганга кетасамки, ё шу ерда қоласамки? Менга де-са бағримда бўлганинг ақили. Бирга ишлаймиз, тоғганимизни бирга баҳам кўрамиз. Айтган-дек, рози бўлсангиз дадамни ҳам бу ерга олиб келамиз. Жуда хурсанд бўладилар...

— Сиз билан бирга бўламиз, ака, сиз қаерда бўлсангиз мен ҳам шу ерда. Хеч қаёққа кетмайман, — қатъий қилиб деди Маҳкамжон.

Усмонжон заводга янги келган кезларда гелловоз машинасининг ёрдамчиси эди. У таълим қасбнинг жойловчи маҳкамжон ушлаш аҳли билан йиғилди.

Усмонжоннинг ишга, қасбга бўлган меҳр-муҳаббатия, унинг ўткир сеҳрия кўзидан кузатиб юрган транспорт цехининг бош-лиғи бир кунга хонасига қақ-риб қолди. У Усмонжонни қар-ши оларкан, деди:

— Баракалла, ука, сени тепловоз машинистлигига тавсия қилиб юбордим. Оч-

ғини айтсам, ишонганимдан шундай қилдим. Хўш айт-чи, ўзинг нима дейсан, ёки. Усмонжон сукутда эди. У бошлиққа бу ишончи учун мин-натдорчилик билдиришни ҳам, рад этишни ҳам билдирмасди. Ким биларди?!

— Йўқ, уялтирмайсан. Сен-га ишонса бўлади, — деди шун-да бошлиқ, унинг раҳматини эшитиб.

Усмонжон бу ишончини би-ринчидан, тинимсиз меҳнат са-мараси деб ҳисоблаган бўлса, иккинчидан, ўзига нисбатан бошқароқ талаб ва масъули-ят юклаганини хис қилиб иш бошлади. Ҳа, унинг брига-даси зиммасида туву-кун тин-май ишлаб турган айланма пе-чарини хомаше билан таъмин-лаш, ишлаб, уқарилаётган це-ментларни ўз вақтида вази-рларга ортиб, қурилиш объект-ларига етказиб-бериш вазифаси турарди.

Бундай самарали меҳнатнинг натижаси дарҳол маъмурият-нинг эътиборини қўрмай қол-мади. Усмонжон бошчилик қи-лаётган бригадаси завожда би-ринчи бўлиб коммунистик меҳ-нат бригадаси деган юсак ном берилди.

Ҳа, Усмонжон шаҳар Со-ветга ўтказилган сайловда ол-тинчи мартаба депутатликка номзод қилиб кўрсатилди. Бир вақтлар «мен ҳам ҳаётдан ўз ўрнини топа олармиканман, о-з бўлса ҳам, эл-юрт ишига на-фим тегармикин», деб орзу қилган, шу йўлда қурашган У-смонжон эл-юрт ишончини «қ-лашга ҳаракат қилди.

Ўтган йилнинг бошлари эди. Бир кун Қулибеш кўчасида йуқинчи Шоусуф ота Шамуси-мов билан автобуса эквипажи-тор Худойкул ака Холматов сайловчилар номидан хонадо-нларга газ тушириш мағаласида иттифок қилиб келиб қолди.

— Усмонжон, ука, умриг-дан барака, кун, мана, сенинг гайратинг билан, мана, сенинг оғод бўлиб қолди. Эндан гна бир укалик қилиб, хонадо-нмизга газ тушириб берамиз, бир умрга эздан чиқармасдик.

Усмонжон бутунги ишни э-ртага қўйдиғалардан эмас. Шу бонсдан вақтини ўтказмай, бу масалада шаҳар ижроия коми-тетига келиб учрашди. Орадан кўп ўтмай маҳаллаларнинг 76 хонадонига «зағирчи олов» ёнди.

Халққа қилинган меҳнат зо-е кетмади. Маҳаллада ҳам, ўз коллективи орасида ҳам унинг омирини эҳтиром билан тилга олишадиган, бирорта кенгашли иш қилиб қолгудек бўлса, у билан маслаҳатлашадиган бўлиб қоларди. Шу ке-ч-а-қулашда Усмон ранс-лик қилаётган маҳаллаларнинг кўна-ларига бўлсангиз, баҳри-дил-ни-ни очилди. Обод, фойдал, қўнгалар ўтказилган, ариқлар-дан тиник сув бетинини оқиб турарди. Бир томонда стадион, ёшларнинг қўнғли бор.

Мана ҳозир Усмонжон ша-гал ортлган эшелонини бошқа-ри, цемент заводи томон уч-и-риб келаяпти-ю, чекрасида та-бассум. Маҳкамжондан хур-санд, Бекободга келиб, шу ер-да уйларди, — уй-йўли бўлди, укаси. Заваддаги касбдошлари орасида ҳам ҳўрмати жойида, Маҳкамжон чиндан ҳам Усмон-нинг бағрида унга қанот бў-лди.

Паровоз елдай учди. Уни бошқараятган Меҳнат Қи-зил Байроқ орденли депу-тат мануи ҳолда эртаги кун режасини ўйларди.

Эх-те, иш кўп, лекин қар-чаш йўқ. Усмонжонда мусте-кам ярода, матонат бор, унда меҳнатни севини туйғуларини ба-риб уриб турибди. Бу туйғулар уни олға, Ватанга астойдил хизмат қилишга қўрайдди.

А. ШАНХОВ.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ВА ҚИШЛОҚ МАДАНИЯТИ

Область партия комитети Ўзбекистон КП Тошкент область комитети IV пленумининг «КПСС XXIII съезди қарорлари асосида қишлоқ маданиятини юксалтириш тўғрисида»ги қарорини Оржоникиде район партия ташкилоти қандай бажараятганини тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Район партия ташкилоти бу соҳада бирмунча ишлар қилганлиги қайд этилди.

КПСС Марказий Комитетининг март (1965 йил) Пленуми қарорларини ҳаётга татбиқ этиш натижасида қолхоз ва совхозларнинг экономикаси юксалтирилди. Бу эса қишлоқ аҳолисининг турмуш маданиятини ошириш учун қулай шартларни тўғирди.

КПСС XXIII съезди ва Ўзбекистон КП Марказий комитети IV пленуми қарорлари асосида қишлоқ маданиятини янада юксалтириш юзасидан Оржоникиде район партия ташкилоти олдига турган вазифалар район партия комитетининг пленумида муҳокама қилинди ва тегишли тадбирлар белгиланди.

1966-1967 йилларда хуторчилик системасини йўқотиш бўйича олиб борилаётган ишлар давом эттирилди. Ҳозирги пайтда 8 та қолхозда посёлкалар қуришнинг бош плани ва схемалари ишлаб чиқилган ва шу асосда иш олиб бориляпти.

Ана шу икки йил давомида қолхоз ва совхозлар маданий-маиший ва коммунал қурилишлар учун 881 минг сўм сарфлашди. 56 километр йўл қурилди, шағал ва асфальт ётқизилди, 3700 хонадон газлаштирилди, 15 километр узунликдаги водопровод ўтказилди. Бир ярим миллион туп мева-ли ва манзарали даракт қўнгалар экилди. Қарийб 27 минг квадрат метр ҳажмдаги турар-қойлар фойдаланишга топширилди. 1966 йилда районнинг Оржоникиде зонаси тўла электрлаштириб бўлинди.

Маданий оқартув муассасалари ўз ишларини бирмунча яхши-лашди. Қишлоқ аҳолиси кино хизматидан хурсанд. Умумтаълим мактаблари, савдо ва умумий овқатланиш тармоқлари кенгайтирилди. медицина муассасаларининг моддий базаси мустаҳкамланди.

Шу билан бир қаторда Ўзбекистон КП область комитетининг IV пленуми қарорларини бажариш бўйича район партия ташкилотининг фаолиятида жиддий камчиликлар ҳам мавжудлар. По-сёлкаларнинг қуришнинг бош план-ларини, шунингдек лойиҳа-смета ҳужжатларини тузиш ҳали тўла тўғалганан деб бўлмайди. Пленум қарорларини қишлоқ меҳнат-чиллари учун яхши жиҳозланган қи-дам жуда сўст равишда бажари-лмоқда. Турарқойларини фойдала-нишга топшириш пилани 1966 йил-да 87 процентга қолиб қетди.

1967 йилда эса топширилган 14 минг 314 квадрат метр «Ўршага айтиг» 11 минг 907 квадрат метр турарқой фойдаланишга топши-рилди. Турарқой бинолари қу-

риш, айниқса қолхозларда ёмон олиб боришмоқда. Ўтган йилги қолхозчиларга пландаги 4330 ўр-нига 2020 квадрат метр турар қой қуриб берилди, холос. Бу мақсад учун ажратилган капитал-маблағларнинг фақат учдан бир қисминга ўзлаштирилди.

Районда капитал қурилишнинг ривожланишига тўсқин бўлаётган эри асосий камчиликлар шунданки, қурилиш ташкилотларининг мод-дий-техника базаси ҳамон кучси-зилгича қолмоқда, зарур қурилиш материаллари, айниқса гишт етишмайди. Район партия комите-ти ва район ижроия комитети пле-нумнинг қолхоз ва қолхозлараро гишт заводлари қуриш, гиштини болгарча усулда пиширишни кенг йўлга қўйиш тўғрисидаги қарор-ларини бажариш учун зарур чора-тадбирлар кўрмдилар.

Қолхозчиларнинг хонадонлари-ни газлаштириш суръатини ҳам жадал борляпти, деб бўлмайди. Район ташкилотлари телефонлаш-тиришни янада ривожлантириш масаласига етарли эътибор бер-маяптилар. Маиший хизмат кўр-

амчиликлар аҳолининг талаби қониқарсиз равишда ўрганилаёт-ганлиги тўғрисида сўз бормоқда. Бир қатор ошхона ва чойхоналар антисанитария ҳолатидадир. Тай-ерланаётган овқатларнинг турла-ри нам, сифати талабга жавоб бермайди.

Ўзбекистон КП область комите-тининг IV пленуми партия ва со-вет органларининг эътиборини қишлоқ мактабларининг ишини яхшилаш, уларни малакали ўқи-тувчи кадрлар билан таъминлаш, умумтаълим ўқув юртлари тар-моқларини кенгайтиришга қарат-ган эди. Район ташкилотлари то-монидан бу қарорни бажариш со-ҳасида бирмунча ишлар қилин-гандан қатъий назар, ҳали мак-таблар фаолиятида бир қанча кам-чиликлар мавжуд. Дарсларни ўз-лаштирмайдиган, синфда қолаёт-ган ўқувчиларнинг сони ҳали ҳам кўп. Ўқитувчи кадрларни тайнлаш ва жой-жойига қўйишга етарли равишда талабчанлик қи-линмаётган.

Районда оммавий-маданий иш-

ларини жорий этиш масалалари билан қониқарсиз шугулланмоқда-лар. Районда иккита «Бахт уйи» ташкил этилган, лекин улар иш-ламаяпти.

Район спортчиларининг об-ласть ва республика мусобақала-ридаги баъзи бир ютуқларидан қатъий назар, физкультура ва спортни ривожлантириш бугунги кун талабларидан оғира қолмоқ-да. Секция, тўғрақ, ва командаларнинг машғулотларига аҳоли-нинг туртдан бир қисминга жалб этилган.

Районда бирорта ҳам стадион йўқ. Фақат 6 та комплекс май-дон, 268 та баскетбол ва волей-бол майдончалари бор, холос. Карл Маркс номи, Ленин номи, Фрунзе номи, «Ма-даният» қолхозларида футбол майдонлари йўқ. Мавжуд 94 та мактабнинг атғи 19 тасида спорт заллари бор.

Физкультура коллективлари ва ДОСААФ жамаитининг бошлан-ғич ташкилотлари ҳамма ташки-лотларда ҳам тузилган, деб бўл-майди. Бундай ташкилотларнинг қўчилиги эса фақат қозғода бор, амалда ҳеч қандай иш қи-лмаяпти.

Қишлоқ маданиятини юксал-тириш соҳасида бундай жиддий камчиликларнинг мавжудлиги Оржоникиде район партия коми-тети Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг пленуми, область партия комитети ва район партия комитетининг шу масала юзасидан чиқарган қарорларини бажариш-ни сўст ташкил етаетганини оқи-батлир. Бир қатор партия таш-килотларида, кўпгина коммунист-ларга бу қарорлар умуман маъ-лум ҳам қилинган эмас. Текши-рувдан ўтказилган «Қозғистон ССР 30 йиллиги», «Маданият», «Правда» қолхозлари, «Қўрай» совхози ва бошқа баъзи бир ҳў-жалликларнинг партия ташкилотла-рини пленум қарорларини биро йилгиллирида, партком ва пар-тия мажлисларида муҳокама қил-маганлар. Бунинг натижасида ана шу партия ташкилотлари қишлоқ маданиятини юксалтириш юза-сидан конкрет белгиланган тадбир-ларга, иш планларига эга эмас-лар.

Оржоникиде район партия коми-тетини Ўзбекистон КП область комитети IV пленуми қарорларининг бажарилиши устида қатъий назорат ўрнатмаган. Тўғри, 1967 йилнинг охирида биро йилгилли-да бу масала юзасидан иккита партия ташкилотининг ҳисоботи оштинган эди. Лекин, бошқа пар-тия ташкилотлари ана шу қарор-га ҳам ҳанузгача амал қилмайл-тилар.

Область партия комитети шу масала юзасидан қабул қилган қарорда таъкидлашчи, Ор-жоникиде район партия комитети IV пленум қарорини ҳали қани-қарсиз равишда бажармоқда. Об-ласть партия комитети район пар-тия комитетидан мавжуд камчи-ликларни бартараф этиш юза-сидан зарур тадбирлар қўришни та-лаб этди.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

сатиш қорхоналари илгаридек-дан ҳамон қониқарсиз ишланмоқда. Ор-жоникиде маиший хизмат кўрас-тиш комбинати бўйича хизмат ҳажми қанайиб кетди. Бу комби-натда атиги тўққиз турдаги хиз-мат ташкил этилган, холос. Кейин-ги икки йил давомида маи-ший хизматнинг бирорта ҳа-яни турни жорий этилмади. Ра-диоприёмник ва телевизорларини асбобларини ремонт қиладиган устаноналар йўқ. Аҳолига кўча хизмат кўрсатиш ташкил этилма-пти.

Маиший хизмат кўрсатиш тар-моқларини кенгайтиришга бу йил ҳам етарли эътибор берилмапти. Агар иш шу тахлитда кетадиган бўлса, қурилиш бўйича белгилан-ган планларнинг бажариламай қо-лиши турган гап. Маблағларнинг йўқлиги тўғрисида ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш учун ҳанузгача шартномалар тузилгани йўқ.

Район қолхоз ва совхозларида маиший хизмат кўрсатиш қони-қарсиз олиб бориляпти. Ҳозирги пайтда Оржоникиде зонасиданги фақат турттагина қолхозда бит-тадан еттигача турда хизмат қиладиган маиший хизмат кўрас-тиш пунктлари ишлаб турибди, холос.

Савдо ва умумий овқатланиш-ни ташкил этишда ҳам жиддий камчиликлар мавжуд. Магазин-ларда бир қанча саноат ва озиқ-овқат моллари етишмайди. Бу

лар ҳам бир қанча камчиликлар-дан ҳоли эмас. Қўнчилиқ клублар ишламапти. Уларнинг конкрет планлари йўқ. Ўтказилган анализ шуни кўрсатдики, 1967 йилда ҳар бир клуб атиги иккитадан тадбир ўтказган, холос.

Улуғ Октябрьнинг 50 йиллигига бағишланган фестивалда район бадий ҳаваскорлик санъати ўзи-нинг юксалганлигини кўрсата ол-мади. Ҳозирги пайтда кўпгина тўғрақлар ишламапти. Ҳатто, «Қизил Ўзбекистон» қолхозининг катта дорув қозонган ҳақи ашу-ла ва рақс ансамбли ҳам ўз фао-лиятини тўхтатиб қўйган.

Қолхоз-кутубхоналарининг ки-тоб фонди жуда сўст тўдрилип-ти. Айрим ҳолларда эса узоқ вақт давомида бирорта ҳам китоб кел-тирилмапти. Қўнчилиқ қутубхона-ларда китобхонлар билан омма-вий ишлар ўтказилмапти.

Пленум қарорларини маданий оқартув муассасалари ишини яна-да ривожлантириш қисми ҳам ёмон бажариляпти. 15 та йирик аҳоли яшайдиган пункт ҳанузгача маданий ўчоқларига эга эмас. «Қизил Ўзбекистон» қолхозини «Қизил ту», «Арген», Киров номи қолхозининг «Намуна», Тельман номи, «Саноат» қиш-лоқлари ана шулар жумласидан-дир. Бу қишлоқларда клублар у-нда турсин, ҳатто қутубхоналар ҳам йўқ.

Партия, совет, комсомол ташки-лотлари турмушга янги урф-одат

Питер большевикларининг ҳикоялари

Тошкентга келган питерлик икки-большевикнинг ҳикояларида, Петротграддаги учуғимас Октябрь олдиди кунларни жонла-ниб кетди. Уларнинг ҳар бири коммунистик партия сафида ту-риб ярим асрдан анд актив иш жүрүшган. Тошкентдаги олий ўқув юртларининг ўқитув-чилари Сестрореве қурул заво-дининг собиқ ишчиси Алек-сандр Андреевич Андреевнинг ҳикоясини зўр эътибор билан тингладилар. У 1917 йилнинг апрелида мухожирлигидан қай-тиб келаятган Владимир Ильич Ленинга Белоостров станица-сидан бошлаб ҳамроҳ бўлган. Орадан бир ой ўтган — ўша йилнинг май ойида А. А. Ан-дреев митинглардан бирида Ле-

ОХАНГАРОН ШАҲРИДА

ДОХИИ ЮБИЛЕИ ШАРАФИГА

Шахтерлар шахри—Охангагарон са-ноат қорхоналарининг коллективлари улут доҳий В. И. Ленин туртилган кўннинг 100 йилгидини муносиб сар-ғалар билан кўтиб олиш учун ўзаро социалистик мусобақани қийнатиб юборишди.

Кон устини очиб резезни ва юк ортиш транспорт бошқармаси кол-лективлари январ ва февраль ойи план топшириларини мудатидан олдин бажариб, март ойида ҳам уқумли ишланмоқдалар.

ШАҲАР СОВЕТИ СЕССИЯСИ

Яқинда Охангагарон шахар Совети-нинг сессияси бўлиб, бунда ташки-лий масала кўрилди. Сессияда И. В. Сулов меҳнатшўр репутатлар Охангагарон шахар Совети ижроия комитетининг раиси қилиб сайланди.

БЕМОРЛАР МИННАТДОРЧИЛИГИ

Кончилар касалхонасида беморлар-га медицина хизмати кўрсатиш то-бора яхшиланиб борапти. Ленин ор-денли шифонор, хирург И. Файзу-лаев, терапевт Ф. Шариповлардан беморлар жуда хурсанд. Чунки улар-нинг меҳри ва муҳизакор қўллари тўғрисида дардларига нақот топши-ляпти. Бу ердан соғайиб кетишар экан беморлар юрак сўзларини нҳот эътиб таъкиф ва истақлар дафтарига илтифотлар қилиб қолдиришляпти.

И. АХМЕДОВ.

ИТТИФОҚДА БИРИНЧИ

Кечагина «ПР-10» маркали даст-лабки икки донга кўнча ретацион компрессор қорхона дарвозасидан чиқарилади.

Бўлтур Бутуниттифок кимё са-ноати илмий-тадиқот институти-дан «ПР-10» компрессори учун техника лойиҳаси келтирилганди. Қорхонанинг И. Карпизин бошлиқ конструкторлик бюроси Итти-фокда биринчи бўлиб янги ма-шинани дунёга келтириш учун иш бошлади.

Заводда илгари ҳам шу хилдаги «ПР-10» маркали компрессор иш-лаб чиқарила эди. Ле

ХИКОЯ

Нотаниш мехмон

3 оя
ВОСКРЕСЕНСКАЯ

Сибелиус вальс факултетада жуда яхши, байрамлардадек тағтайловроқ иккунга ўқитилган учун, Фрекен Анна синглисидан уни яна бир марта чапиб беришни илтимос қилди. Шанба оқшони эди. Опа-сингиллар уйларида дам олишарди. Фрекен Анна бутун хайра давомида талабаларда немисча феълларнинг турли-тўрли тўғрисида тушунча бериб, энди эса, чуқур юмшоқ курабга жойлашиб олган ҳолда, кашта тикиб ўтирарди. Синглиси Сонни ҳам мактаб болалари билан олиб бориладиган курабга жойлашиб олган ҳолда, кашта тикиб ўтирарди. Синглиси Сонни ҳам мактаб болалари билан олиб бориладиган курабга жойлашиб олган ҳолда, кашта тикиб ўтирарди.

Хар иккала хонимнинг ҳам ёши анча ўттиб қолганди: Фрекен Аннанинг чакка сочларига кумуш ранг қирилган қўйиб, Фрекен Сонни ҳам сўбҳидаги раи ойнадан ўз ақсига ҳадиксираб қараётган бўлиб қолганди. Сўнгги ўн-беш йил давомида опа-сингил Винстенларнинг ҳаётида қарийб ҳеч қандай ўзгариш бўлмади ҳисоби: қафас ичиданги тўти кушлар ҳам ҳамон ўша-ўша, қачонлардир ўргатилган сўзларни мудом таққорлагани-таққорлагани, ҳонадаги пак-пакана каткут ўсимликлари ҳам ҳамон болги-болгани, ўсмаган ҳам қаримаган ҳам эди. Фақат Фрекен Анна кашта тикиб ўтирган естиқчаларнинг сони кўпайиб, ён-атрофда йилдан-йилга қад кўтариб ўсиб бораётган ўрмон даракларининг кўланкасида қолган хоналар тобора қоронғилашиб бораётган, холос. Талабалар билан уйларида қўйиладиган ижара-тилек бир мазолада келиб-кетмишда давом этаётганлар. Бу, ер юзидан бўлиб ўтаётган суронли воқеа-ҳодисалар ҳам, гўё бир ташқарида бўлиб ўтаётган сел ёки момақалдирок каби, уларни четлаб ўтиб кетарди. Агар, фақат ойна бўлмаганда эди, балки эҳтимол, бу хонадонда ҳаёт бутунлай тўхтаб қолган, деган ҳулосага келиш ҳам мумкин эди...

Опа-сингил Винстенларнинг меҳмонхонаси яхшигина жиҳозланган ва иссиқ бўларди. Фортёяно ҳамда юмалоқ стол

устида ёруғ шағамлар ёқилган бўлиб, уларнинг пир-пираб ёни-шидан ҳосил бўлган нурсиз соялар деворлар бағрида ажиб бир манзара ташкил қилиб, жимир-жимир этиб қимирлаб турарди. Тўти кушлар тўшмушнинг патлари орасига олиб, қафас ичиданги ҳалқада чайқалиб ўтирарди. Кичкинагина бароқ ит, гўё бир тўп жуи йиғиндисига ўхшаб, Фрекен Аннанинг оёқлари тағида мудраб ётарди.

Уй деворлари ташқарисидан яланғоч даракларнинг ноҳус гувилашига ҳам, ноябрь шамоли наминқан чўққилар бағридан сарғайган яроқлар билан бағридан қўйиб, учириб турган ётган ҳам ишончи қўйиб эди.

Ўрмон ортидан ўтиб бораётган поездининг тараяш туюқи эшитилиб, паравоз қичқирғи янгради.

Анна илларини йиғиштиришга киришди: чунки кечки почта поездининг Оглоб станцияси орқали ўтиши — бу ухлаш вақти бўлганлигидан дарак берарди.

Сўнгги аккорд товушлари янграб тинди. Сонни кўларини тиззалари устига қўйди. Поезд гулду-гулдури мудом унга шу яқингинада, бу ердан аттиги ўн икки километрга нарида, Гельсингфорсда, ҳамон ҳаёт қайнаётгани эслатиб турарди. У ерда энди театр тугайдиган пайт эди.

Биз сен билан операга тушмаганимизга ҳам анча вақт бўлди. Нимагадир, Петербург ашулчиларининг қўшқиларини жуда тинглаганим келди — деди Сонни шикоят қилиб айтганда, табуриятка устида ўтиргача, оласи томонга қайрилиб қараб экан. Бу дам унинг мовий кўзларида ёш ҳалқаланиб қўйиб турарди. — Қачондан бери сен билан ҳеч ёзилб ўйнаб-қулишмадик.

— Худого ношукурлик қилма, — деди Анна жиддий тусда, — шу юришимизнинг ўзига ҳам шукўр қил, мана шу ернинг ўзи яхши бизларга. Мен тинчлик ва хотиржамликка анча қўйиб қолдим. Эндиликда кишига ҳамма нарсадан ҳам хотиржамлик маъқул бўлиб қолган пайт.

Шу дам бирдан, гўё унинг

тинчлик ва хотиржамлик тўғрисидаги сўзларига қастма-қастдан норозилик билдиргандек, бароқ итчаси ириллаб қолди. Тўти кушлар ҳам дарҳол ён томонига бўйинни чўзиб, кўзларини хушёрлик билан олайтиргача, амирона йўғон товуш билан: «Карл, Свен, Юхан — бу ёққа келинглари!» — деб қичқира бошлади.

Ховлидаги тош йўлдан кимдир юриб келарди. Опа-сингиллар: «бу, бемаҳалда ташқир буюрган ким бўлди экан?» дегандек, бир-бирларига қараб қўйишди.

Сўнг эшик тақиллади. Тўти куш жигаров бир ҳолда қайрилиб қараб қўйди. Яна эркак кишиларнинг ноилларини атаб чақиринишда давом этди.

Анна стол устидаги оғир шамдонни кўтариб, унинг алангасини иккинчи кўли билан паналагани ҳолда, даҳлиж томон юрди. Синглиси Сонни ҳам худодан яхшиликни илтижо қилган каби, икки кўлини кўксига жуфт қилиб, унинг кетидан эргашди.

— Муқаддас Биби Марям ҳақи, айтинг, кимсиз? — деб сўради Анна швед тилида.

— Колан хонимнинг дўсти инженер Петровман, — деди хотиржамлик билан бир эркак киши, кучли сараян лаҳзасида талаффуз қилиб.

Анна бир мунча ҳадиксираб эшикни очди.

Ичигинагина шамдон лифтидан чиқаётган аланга лип-лип этиб, сал бўлмаса ўчиб қолаётди.

— Кечларингиз хайран бўлсин! — деди нотаниш кимса, ёмғир суварли туйфайли йилтир тақирган қаллоғини бошидан олиб. Унинг кенг ва силлиқ мангали, тиниқ малла мўйловлари ёшнинг анча ёшартириб қўйган ҳолда, ёниб турган шўх кўзлари алдангандай илқиллаб, ҳама нарсадан ҳам хотиржамлик маъқул бўлиб қолган пайт.

— Хуш келибсиз! — деб жавоб берди Анна, сўнг меҳмон-

ни ичқарига тақдир этди.

Бароқ кучкуча ухлаш учун ўзининг пар тўшаги томон юрди. Сонни эса қора рўмолча билан тўти куш қафасини ёпиб қўйди; шу билан тўти куш ҳам тинди.

Сонни меҳмондан узр сўрагандек:

— Уйимизга вақти-бемаҳал келиб қолган меҳмон, уйда опасингилдан бошқа ҳеч ким йўқ экан, деб ўйламасиз деб, бунини тўти кушга отамиз раҳматлик ўргатган эди, — деди изох бериб.

Нотаниш меҳмон тушунгандек бошини қимирлатиб қўйди. Сўнг у уй бекаларига мурожаат қилиб:

— Фру Колан менга, сизлар, барча жиҳозлар ва шарт-шароитлар билан ижарага хона беришларингиз мумкинлигини

хабар қилганди. Шунингдек, яна, истаган пайтигизда бора-беришигиз мумкин, деб ҳам айтган эди, — деди ўзининг келиши сабабини тушунтириб. Сўнг улардан немис тилида сўзлашиш учун руҳсат этишларини илтимос қилди.

— Ҳа-я, чиндан ҳам Фру Колан сизнинг тўғрисида гапирган эди. Биз сизни алоҳида хонага жойлаштиришимиз мумкин. У ерда яна иккита фин студенти яшайди. Бироқ улар фақат тунаш учунгина келишарди, холос... — Бу пайтга келиб Сонни бутунлай хотиржам тортиб қолган эди. — Ўйлан қай-дай топиб келдингиз, қоронғида қийналмадингизми? — деб сўради у ниҳоят қизиб.

— Фру Колан менга станциядан «Гордабек» пансионига қандай қилиб етиб келишимиз жуда яхшилаб тушунтириб берганди. Мен ҳатто сизларнинг пансионингизга кўзларимни боғлаб қўйишга ҳам топиб қолардим.

Шундан икки кун илгари опа-сингиллар уйига Аннанинг ёшлардан бирга ўсишган дугонаси Фру Колан келиб кетганди. Ҳозир эса у бир фин офицери-га турмушга чиққан бўлиб,

Гельсингфорсда яшарди. Фру Колан шу келганида дугонаси Аннадан битта хонасини жуда хушмуомала ва илмли рус инженерига ижарага беришини илтимос қилиб, бу инженерни унга хурматли «Виргиния Смирнофф» кампир тасвир қилганлигини айтиб кетганди.

Анна бўйинига шол рўмолини ташлаб, янги меҳмонни алоҳида ижара хонасига тақдир этди.

— Жаноб Петров жуда хуш-табиат, хушмуомала, шунингдек яна ўқимчи одамга ўхшаб, — деди Анна, ижара хонасидан қайтиб келгач, синглиси билан Фру Коланга қараб экан. — У ўзининг жомадонини очар экан, мен унинг қўлгана нитобларини борлигини кўрдим. У менга ўзининг кун бўйи ёзув-чизувдан қўл бўшамаслигини, кечқурунлари эса сайр

қилиб қайтиш учун ўрмонга чиқаётганини айтди. Мен уни биз билан овқатланш учун тақдир этдим...

— Эҳтимол у рус инжилобчиси-дир? — деди ҳадиксираб Сонни.

— Менинг бунга имоним йўқ, — деди Анна хотиржамлик билан.

Сонни чўчигандек опасига қараб қўйди:

— Ўйлаб кўр, тағил! Қўриб турибсан-ку, ахир, газеталар ишлар деб ёзилаётганини... Ҳақиқатан ҳам газеталар Россиядан муҳажир хабарлар олиб келарди. Ўлим жазолари, оқишлар, суиқасдалар... Рус подшоҳи ниҳилол учун халдан қаттиқ қазо оларди. Шунингдек яна, рус подшоҳи финлар конституциясини бекор қиларди, рус жанармлари халат-донақ Финляндия тупроғига худди ўз уйдик беамол бостириб кира бошлаганимиз, деган миш-мишлар тарқатганди.

Анна бошини кўтариб, диван тепасига осилган суратга қаради: суратда худди Соннинг кўзларига ўхшаб мовий кўзи, малла соч бир қиз қўлида «Финляндия конституция» кўтариб тургани тасвир этил-

ганди. Қизнинг боши узра эса, қора қанотларини кенг ёзган ҳолда, унинг қўлидаги китобчасини тортиб олмоқчи бўлиб, яланғоч елкаларига ёвуз тирноқларини санчган бургут расми чизилганди...

— Турган гапки, инженер Петровнинг бу ерларга келиб қолиши тасодиф эмас, албатта, — деди ўйчан бир тарзда Анна. — Бўлмаса, Фру Колан менга, уйимизда рус кишиси яшаётганлиги тўғрисида ҳеч қимга айтмаслигини илтимос қилариди...

Владимир Ильич Ленин ўзининг янги ошенига бир қадар кўз югуртириб чиқди. Дераза тағига ёзув столи, қараманарши томондаги девор тағига энисроқ қаравот, унинг ёнига эса катта чинни жом ҳамда сув кўзаси билан бирга ювиниш столи ўрнатилиб қўйилганди. Эшидан кириваришдаги қарши девор тағига устига турли-туман кашталар тўқиб ясалган естиқлар ташланган диван, диван ёнида устига мовут ёлланган тўрт бурчакли стол турарди. Хонанинг бурчаклидаги яшил тусдаги катта қосиқли печма ҳам анча-мунча жойни эгаллаганди.

Владимир Ильич камзулининг чўнтагидан соатини олиб, уни қалиб билан бураб-бураб қўйди. Тўғри соат бирларга яқинлашиб қолган пайт бўлиб, ҳали анча ишласа бўларди. У сиртқи пиджанинги ечиб, кийим осядиган жойга олиб бориб қўйди-да, сўнг жомадонидан жуи кўртасини олиб кийиб, ишлаш учун ўтирди...

Катта катта ёмғир томчилари дераза ойналарига келиб урилиб, сўнг ингичка-ингичка жилдангалар ҳосил қилганча пастга қараб оқиб туша бошларди. Деразадан, ташқарида бўлаётган шамол тўфайли пилдираб турган яроқлар қўланкаси элас-элас кўришиб турарди.

Владимир Ильич Лениннинг кўз ўнгига белем Россия намоён бўлди. Мана — миллионлаб хонавайрон деҳқон қўллар... Ер ғамида ташвиш торган оми, хўрланган фуқаролар... Ер бўлса — бир тўп помешчилар билан қулоқлар қўлида.

Қўлида бўлганда ҳам яна ҳар бири беш юз десятинадан ортироқк анж яхши ерларни эгаллаб олишган.

Инқилоб кунлари деҳқонлар ўзларининг ашаддий душманлари бўлган помешчиларнинг ер-мулкларига ўт қўйиб юборишди, қуларча ишлашга қарши тўғри кўтаришди, бир қатор ерларни ўз қўлларига тортиб олишди.


Эндиликда эса, инқилоб маълумияти учради. Ваҳ, шайлашган чор ҳукумати халқни яна истибод бўйинтуруғини илтижа мажбур эта бошлади. Большевиклар партияси янги хужумга тайёрланишга қўчди. Хуш, энди деҳқонларнинг қандай қилиб бу фалокатлардан қутқариш мумкин? Афсуски, фуқароларга маслаҳат беватчи ҳамда ўзларини уларга дўст қилиб кўрсатувчилар ҳали кўп. Бироқ, булардан ким софдил, ким беғараз? Булар — фақат ишчилар синфи, большевиклар!

Большевиклар партиясининг кўрсатаётган йўли — бу помешчилар ер-мулкларини тор-мор келтириб, ер-сувин тўла равишда даалат ихтиёрига бериш. Аммо бу ер-сув устидан ҳукумронлиқни подшо ҳукумати билан капиталистлар қилиши керак эмас, мутлақо! Аксинча, чоризмин ағдарилган туриб, ер-сувин халқ мулкига айлантиришнинг ҳеч имкони йўқ. Бу инқилобни ишчилар билан деҳқонлар ўтказишлари ва бунда ишчилар синфи раҳбарлик қилиши зарур.

Аммо бу ҳулосани исботлаш, илмий-назарий жиҳатдан асослаш ва бунга қадар эса, энг аввало, деҳқонларнинг мунофиқ дўстлари бўлиши: октябристлар, кадетлар, асерлар ва меншевикларнинг иқтисодий программаларига барҳам бериш лозим.

Владимир Ильич салгина буюрилган бармоқлари билан стол устига чертиб, ўнча нималарнинг ишвириладиган, сўнг пат қаламини сиеҳдонга — ботириб олиб, ёзишга киришиб кетди...

(Муаллиф зулмати қўнида китобидан).
Саидхон ХУДОБЕРГАНОВ таржимаси.



ЯНГИЎЛ районидagi «Ленинизм» колхозининг пахтакорлари қўлдан экиш кампаниясига пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Ҳозирги пайтда кузда шудурдан чиқарилган майдонлар текислашмоқда. Ҳам ҳосили майдонларга эса қўшимча маҳаллий ўғит қикариб сочялаётди. Механизаторлар ҳам қайтар кўрсатишоти. Улар ишни пухта ташкил этиб қисқа вақт ичида селкаларни ремонтдан чиқариб қўйдилар: Суратда: экишга тахт турган селкалар.

БАҲОР ТАБАССУМИ

Колхоз активларининг ақиндан бўлиб ўтган йилгида анчагина фойдаланган гаплар ўргата ташлашди. Қилинаётган ишлар бирма-бир санабди, галгали ва-анфалар яна бир бор аниқланди.

Сўзга чиққанларнинг айтишча, ҳали бир қанча уасткача ва зевонларда қилинаётган ишлар талабга жавоб бермайдди. Бунини ҳисобга олган йилгили нағнашларини дала ишларини ҳар тарафлама жадаллаштиришга эътиборни қўйишнинг керак, деган қарорга келди.

Актив йилгилининг қарори ҳақиқатан ҳам тўғри эди. Қишнинг охири жуда яхши ўтди. Басалар колхозчилар санаторийларда бўлиб, соғлиқларини мухтамамлаб қайтишди, сав-хатларга бориб, Ватанимизнинг гўзал шаҳарларини, тарихий жойларини кўришди. Қисқа муддатли кўрсаларда ўқиб, малакаларини оширишди.

Мана, қўлдан келди. Баҳор шабабда деҳқоннинг эшигини қўймоқда. Вазифа — ҳамма кун, бизнинг техникадан тўғри фойдаланишга, тупроқнинг унумдорлигини ошириб, мўл-жалдзги ҳосилни етиштиришга пухта амин яратилган иборат.

Йилгилида қайси уасткача ва зевонларга нималар билан ердан бериш ва бошқа оператив масалалар ҳақида бир фикрга келишди.

риб юборилди, ремонт ишларида бўшаган механизаторлар яна трактор рулига ўтириб, кузда шудур қилиб қўйилган ерларни тартибга солишга киришдилар. Эски ариқлар бузилиб, ерга-ер қўйишга бошланди.

Пирмат Давлатов бошлиқ комплекс механизациялашган зевно деҳқонлари гайрат камарини маҳкам боғладилар. Ўзларига бирикитилган майдонлардаги ерни экишга пухта тайёрлаб қўйишди. Зевно аъзолари эса 36 гектар ернинг ҳақмасини нафдек текислаб чиқишди. Анчагина миқдорда маҳаллий ўғит сочилиди. Ерининг намини сақлаш юзасидан талай ишларни амалга оширишди. Текисланган ерлар устидан мола бошилди. Бу эса кўпроқ нам тўплаш ва чигити тупроқнинг ўз наминда ундириб олиш соҳасида муҳим тадбирлардан бири бўлади.

— Ер текис бўлса, — дейди зевно бошлиғи, — ҳамма ерга уруғ бир текисда тушади. Ўйинг квадратлар бехато бўлади. Ғўзанинг ҳар бир тўпи қонини сув ичади. Терим машиналари ҳам равои яоради.

Зевно аъзолари қўлай қўллардан унумдан фойдаланган ҳолда чигит экиш кампаниясига пухта тайёргарлик қўйишди. Улар экишни бир ҳафта ичида тамомлашнинг мўлжаллашмоқда. Колхозчининг Алман Турғунбев ва бошқа юқори ҳосилли зевонларига ҳам қўлдамга тайёргарлик қилгани. Ҳар бир

колхозчи ишни сифатли олиб боришга ҳаракат қилипти. Ҳозир ариқларнинг 80 проценти тозаланиб қўйилди, экин майдонларининг учдан бир қисми текисланди.

Иил бошида ёғингарчилик кам бўлди. Оқибатда кузда гўзапоеси билан ҳайдаб юборилган майдонлардаги ўсимлик илдизлари чиримай қолди. Ана шундай ерларга уруғ ташланса борми, экин агротехникаси бузилади. Селкалар юктенас қарамақ қилиб, чигитининг бир текис тушишига ҳалақат беради. Бунинг олдини олиш учун қурашган колхозчилар эндиликда ерларни текислашдан олдин ўт ва гўзапои илдизларини йиғиштириб олишди.

Чинозада «Йил Октябрь» колхозига маҳаллий ўғит тўплаш, компост тайёрлаш, далага ташиб чиқариш учун ҳам алоҳида кишилар ажратилди. Улар нам ҳосили майдонларга кўпроқ ўғит солиш ишларини бажаришмоқда.

...Қўндалик дала ишларини ҳисобга олиш дафтаридида графикалар кундан-кунга қувончли рақамлар билан тўлиб турибди. Мўл «оқ олтин» ҳосили етиштириш иштиғи билан яшаётган миришкор деҳқонлар беш йиллик вақтасида туриб ишлаб баҳорги экинни бекамикўст ўтказадилар.

М. ҒОЗИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг муҳбири.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

Ватанпарварларнинг муваффақиятли ҳужумлари

ХАНОИ. (ТАСС). Жанубий Вьетнам халқ озодлик қуроли кучларининг қисмлари 2 мартдан 6 мартгача ўтган даврда Жанубий Вьетнамнинг 24 вилоят маркази ва шаҳарларида Америка ва қўғирчоқ ҳукумат қўшинларининг 100 га яқин позициясига ҳужум қилганлар. Вьетнам информантлар агентлиги Озодлик агентлигига асосланиб шуларни хабар қилди.

Жанубий Вьетнам ватанпарварлари, дейилади агентлик берган хабарда, Сайгонда, Куангчи, Тхатхуен, Куангнам, Куанггай, Биньдинь, Фуен, Тханьхоа, Тхуаумот, Вьенхоа, Фуоклонг, Тайнинь, Минхо, Бенче, Чавинь, Канто, Шадек, Тхуок ва Камау вилоятларида ҳужум операциялар ўтказганлар.

Жанубий Вьетнам халқ озодлик қуроли кучларининг жангчилари 2 ва 3 мартда Сайгон текисларида Америка армияси 25-тибда аскарлар дивизиясининг 4-мобильнога қарши бир қанча муваффақиятли операциялар ўтказиб, душманининг 500 солдатини сафдан чиқарганлар. Ватанпарварлар 2 самоётини уриб туширганлар, нефть омборини ёндириб юборганлар ва жуда кўп миқдорда қарбий техникани ўлга олганлар.

Куангчи вилоятида халқ озодлик қуроли кучлари қисм-

лари 3 мартда 9-йўлда турган Америка қўшинларининг позицияларини, шу жумладан, Кхесань базасини, 241-теле-ликини, Донгха ва Конгтхендаги қарбий лагерларини ўққа тутганлар.

4 мартда Жанубий Вьетнам ватанпарварлари Тхатхуен вилоятида АҚШ қўшинларининг Донгхань районидида (Гуадан шимолда) биринчи аэромобиль дивизиясини бўлима-лари позицияларига шиддатли ўт очиб, Америка агрессорларига жиддий талафотлар етказганлар.

Куангнам вилоятида ҳаракат қилаётган ватанпарварлар 3 мартда душманининг 25 муҳим қарбий объектига ва маъмурий марказларига, шу жумладан АҚШнинг Даманг ва Нусангайинг йирик авиация базаларига ҳужум қилганлар ва бу жойларни тўпга тутганлар.

Куанггай вилоятида халқ озодлик қуроли кучларининг мунтазам қисмлари 4 мартда вилоят губернатори резиденциясини ва маҳаллий радио-станцияларни ўққа тутганлар. Ватанпарварлар қўғирчоқ ҳукумат армиясининг 2-дивизияси ва 4-полки бўлима-ларига оғир талафот етказганлар.

Камау вилоятида халқ озодлик қуроли кучлари бўлима-ларининг жангчилари 5 мартда вилоят марказига ҳужум қил-

ганлар ва душманининг қўғирчоқ қарбий позицияларини ҳамда маъмурий объектиларини ўққа тутганлар. Вилот марказининг кўчаларида бошланиб кетган жанглар натижасида ватанпарварлар қўғирчоқ ҳукумат полициясини биносини ва Сайгон режимининг бир қанча бошқа муассасаларини тор-мор этиб, шохарнинг баъзи районлари устидан назорат ўрнатганлар.

Жанубий Вьетнам ватанпарварларининг ҳужум операциялари маҳаллий аҳолининг маънади билан ўтди.

КАМВОДЖА ВАКИЛИНИНГ НОРОЗИЛИГИ

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Камбоджанинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидидаги доимий вакили Америка — Жанубий Вьетнам қуроли кучларининг Камбоджа территориясидидаги Свай-риенг вилояти районига қарбий истеҳкомлар қураётганлигига қарши, шунингдек 14 февралда Прейвент вилоятида Камбоджанинг аҳоли яшайдиган

Бразилияда

қимматчилик

авж олди

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО.


(ТАСС). Бразилияда статистика ташкилотининг маълумотларига қараганда, мамлакатда ўтган икки ой ичида қимматчилик 4,2 процент ошган. Кийим-кечак нархлари (8 процент) ва дори-дармон нархлари (8,3 процент) гоят ошганлиги рўйхатга олинди.

БОСҚИНЧИЛАР ТЕРРОРИ

ПАРИЖ. (ТАСС). Исроиллик босқинчилар, деб хабар беради Франс Пресс агентлигининг мухбири Куддусдан. Иордан дарёсининг Ғарбий соҳилдаги Захария ва Ас-Самва қишлоқларида тўрт уйни портлатдилар. Портлаш натижасида шу уйлар яқинидаги тинч

аҳолининг турар-жойлари ҳам вайрон бўлди.

Босқинчиларга қарши курашаётган партизанилар билан ҳамкорлик қилишда салгина шубҳа остига олинган. Араб аҳолисига нисбатан Исроил қўшинлари шундай ваҳишона ҳаракат қилмоқдалар.



Ироқ республикаси ва Совет Иттифоқи ўрталаридаги иқтисодий ва техникавий алоқалар ривожланиб бормоқда. Боғдода қувайти 2 минг киловаттга атом реактори ишга туширилди. Бу реактор совет мутахассислари ва совет техникаси ёрдамида қурилган. Суратда: атом реактори биносининг унмунчи қўриғи.
Л. Вольфов фотоси. (ТАСС).

